

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Тўрақўрғон туман халқ таълими бўлими”
Мудири в.в.б



А.Эшонов

Наманган вилоят Тўрақўрғон тумани Найманча МФЙ да жойлашган 19-умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

1.1. Буюртмачи

Тўрақўрғон туман халқ таълими бўлими 19-мактаб

Манзил:

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,

Тўрақўрғон тумани, Найманча МФЙ

Мудир:

А.Эшонов

1.2. “Тўрақўрғон туман халқ таълими бўлими”нинг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун 19-умумтаълим мактабит биносини жорий таъмирлаш хизмати билан 933 370 463 сум қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада рус тилида келтирилган.

2. Танлов мақсади.

2.1. “Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Найманча МФЙда жойлашган “19-умумтаълим мактаби” биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4. Ижрочиға бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши, “Наманган вилояти Тўрақўрғон туман Найманча МФЙда жойлашган “19-умумтаълим мактаби” биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ куйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари;
- Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот;
- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан рухсат олинганлиги туғрисида ҳужжатлар.

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

Илова

Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида жойлашган “19-умумтаълим мактаби” биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича	Жорий таъмирлаш